


## “Янги Москва” да масжид қурилади



10:22 / 29.11.2018 2074

Россия пойтахти ҳокимияти томонидан Россия муслмонлари диний йиғинига (РМДЙ) муслмонлар ибодатхонаси учун маълум ер майдони ажратиб берилди, деб ёзади Islam-today.

“Бундай имконият бошқа динлар учун ҳам берилмоқда. Бу таклифлар анчадан буён диний ташкилотлар томонидан илгари сурилаётган эди. Масжид қуришга эҳтиёж бор, чунки сўнгги 20 йил ичида масжид учун ер ажратилмаган”, дейди РМДЙ раҳбари, Москва Муфтийси Албир Краганов. Шунингдек, муфтий диний ташкилотларга бўлган эҳтиёж, келгуси ўн йил давомида аҳоли сонининг кескин ошишига боғлиқ, деб фикрини ифодалаган Interfaksга берган интервьюсида.

***Islom.uz портали таҳририяти***